

# МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1 / 1 2021 жыл

## Илимий-методикалық журнал

Редактор:  
*A. Тилегенов*

Редколлегия ағзалары:  
Максет АЙЫМБЕТОВ  
Нагмет АЙЫМБЕТОВ  
Кенесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ  
Өсөрбай ЭЛЕУОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Кенесбай Даулетяров  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Батырбек КАЙПБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириүшилер:  
Қарақалпақстан Республикасы  
Халық билимлендіриү  
Министрлігі, ӨЗПИИ  
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы  
Министрлер Кабинети  
жанындағы Жоқарғы  
Аттестация Комиссиясы  
Президиумының 25.10.2007  
жыл (№138) қаравы менен  
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм  
хабар агентлиги тәрепинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге  
алынды №01-044-саналы гүйалық  
берилген.  
Мәнзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00  
e-mail: uznipnkf@mail.uz,  
mugallim-pednauk@mail.uz  
[www.mugallim-uziksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uziksiz-bilim.uz)

Журналга келген мақалаларға жеүап қайтарылмайды, журналда жетрояланған мақалалардан  
алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм үзлиksiz bilimlenediриү» журналынан алыны, деп корсетилиғи  
шарт. Журнала 5-бет колеміндеғи материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шириф-  
тіндеге электрон версиясы менен бирге қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген мәглүмәттердеге автор  
жекуапкер.

# МАЗМУНЫ

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӨРБИЯ

Mardonov Sh.Q., Abdullayev A.A. Maktabgacha ta'lim muassasasi va maktab hamkorligi .....	4
Mahmudova D.B. Maktabgacha ta'limda qo'llaniladigan o'yinlar va ularni tashkil etish metodikasi .....	8
Shanasirova Z.Yu. Xalq og'zaki ijodi namunalari vositasida maktabgacha yoshdagি bolalarini ma'naviy-axloqiy tarbiyalash hamda nutqini rivojlantirish .....	13
Abdullayeva M.Dj. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning estetik rivojlanishidagi o'ziga xos xususiyatlар .....	17
Narimbayeva L.K. Maktabgacha yoshdagи bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda xalq og'zaki ijodi namunalaridan foydalanishning ahamiyati .....	20
Nosirova R.X. Maktabgacha ta'lim muassasalarida musiqa ta'limi va tarbiyasining mohiyati .....	22
Kolmatova S.K. Maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtisodiy tarbiya berishda Sharq mutafakkirlari fikrlaridan foydalanish ahamiyati .....	26
Maripova N.H. Maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtisodiy tarbiya .....	28
Sanakulova A.R. Maktabgacha ta'lim muassasalarida rahbarlarida huquqiy tarbiyanı rivojlantirish .....	31
Teshabayeva Z.S. Maktabgacha ta'lim muassasalarida ekologik tarbiya maqsadi .....	34
Nasirova Z.X. O'yin turlari: ijodiy o'yinlar, qoidalı o'yinlar, milliy o'yinlarning o'ziga xos xususiyatlari .....	38
Shanasirova Z.Yu. Maktabgacha yoshdagи bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashning ahamiyati .....	43
Jo'raboyev A.B. Maktabgacha ta'lim tizimida ma'naviy qadriyatlarini singdirish amaliyoti .....	48
Abdullayev A.A. Maktabgacha ta'lim muassasalarida rahbarlik qilish va tashkil etishning zamonaviy usullari .....	51
Achilova M.S. Maktabgacha ta'lim muassasalarida estetik tarbiyaning mazmuni .....	55
Ochilov F.I., Xusanova N.B. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarida kasbiy pedagogik kompetentsiyalarni shakllantirish talablari .....	58
Narimbetova Z.A., Asqarova N.J. Boshlang'ich sinf matematika darslarida didaktik o'yinlarning ahamiyati .....	62
G'ulomova X. Boshlang'ich sinf o'qish darslarida maqollar estetikasi .....	67
Умарова З.А. Башлангич таълимда педагогик жараён .....	70
Жабборова О.М., Сайдғаниева З.С. Башлангич таълим педагогикаси: мазмун ва моҳият .....	74
Quzmanova G.B., Ergasheva M.E. Umumiy o'rta ta'lim maktabalarida ota-onalar yig'ilishini samarali tashkil etish .....	78
Мамадалиев К.Р. Башлангич таълим йўналиши ўкув фанлари тузилмаси ва замонавий ўкув адабиётларини яратиш принциплари .....	80
Тожибоева Г.Р., Крымская Э. Проблемы развития творческих способностей в процессе становления будущего учителя начальных классов .....	86

## ТИЛ ХЭМ ӘДЕБИЯТ

Матчонов С., Холиқулова Ф. Ўқувчиларнинг нуткий кўнижмаларини шакллантиришда матннинг лингводидактик таҳлили .....	91
Шерматова У.С., Жабборова О. М. Самостоятельное чтение и интерпретация правды жизни .....	95

3. Matchonov S., G‘ulomova X. va b. O‘qish kitobi. 4-sinf uchun darslik. – T.: Yangiyo‘l poligraf servis. 2020.

4. Shermatova U.S. Cho‘lpox ijodida tabiat estetikasi. Academic research in educational sciences volume 1 | issue 3 | 2020 issn: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804 Academic Research, Uzbekistan 338 (beti) www.ares.uz.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada boshlang‘ich sinflarda maql ustida ishlash usullari, xususan, maqollar mazmunini sharhlash, so‘z ustida ishlash, taqqoslash, mustaqil fikrlash, xuloslash maqollarning janr xususiyatlari bilan bog‘liqlikda ko‘zdan kechiriladi.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуются методы работы над пословицей в начальной школе, в частности, толкование содержания пословиц, работа над словами, сравнение, самостоятельное мышление, обобщение в связи с жанровыми особенностями пословиц.

SUMMARY

This article examines the methods of working on proverbs in primary school, in particular, interpreting the content of proverbs, working on words, comparing, independent thinking, summarizing in relation to the genre features of proverbs.

---

## БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН

Умарова З.А.

*Тошкент вилояти ЧДПИ “Бошлангич таълим” кафедраси ўқитувчиси*

**Таяинч сўзлар:** таълим, бошлангич, тажриба, тарбия, педагогика, конфликтология, билим, кўнникма, малака, дастур.

**Ключевые слова:** образование, начальное, опыт, воспитание, педагогика, конфликтология, знания, навыки, квалификация, программа.

**Key words:** education, primary, experience, upbringing, pedagogy, conflictology, knowledge, skills, qualifications, program.

Ўзбекистон янги тараққиёти даврида бошлангич таълимни ривожлантириш ва унда бошлангич таълим педагогикаси асосларига таяниш муҳим йўналишлардан хисобланади. [1]

Бошлангич таълимни ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ти Қонунининг 9-моддасида қўйидагилар белгиланган:

- умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар улар етти ёшга тўладиган йилда қабул килинади;
- бошлангич таълим таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўнкималар асосларини шакллантиришга каратилган. [2]

Мазкур ҳукукий асос бошлангич таълимни ташкил этишда нималарга эътибор бериш кераклигини белгилайди. Шу жиҳатдан қўйидагиларга эътибор беринг:

1. Саводхонлик. Бошлангич таълимни ташкил этишдаги бу вазифанинг маъноси шуки, 7-11 ёшли ўкувчиларда билим олиши туйгусини ривожлантириш ва уларни ижтимоийлаштиришдан иборат. Ўкувчиларда билим олишга иштиёқ табиий бўлади, бошлангич синф ўқитувчининг вазифаси ана шу туйгуни ривожлантириш ва ўкувчиларнинг инстинктини ижтимоийлаштиришдан иборат. Айнан мана шу иккি вазифа бошлангич синф ўқитувчининг саводхонлик масаласини ҳал этишдаги муваффақиятларига олиб келади.

2. Билим бериш. Бошлангич таълимни ташкил қишишда 7-11 ёшли ўкувчиларга тезкор ва мақбул даражадаги билимларни беришни назарда тутиш керак бўлади. Унга кўра, ўкув фанларининг мавзулари ва ўкув материаллари қизиқарли, аниқ ва тушунарли хусусияларга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, билим беришда ўкувчиларга индивидуал ёндашиш ва уларнинг руҳий-маънавий хусусиятларини хисобга олиш лозим бўлади.

3. Малака бериш. Мазкур вазифанинг мазмуни шундан иборатки, 7-11 ёшли ўкувчиларга ўқиши, ёзиши, ижодий фикрлаш ва мустақил фикр юритиш малакалари берилиши керак. Шу сабабли бошлангич синф ўкув фанлари ўзаро интеграциялашган ва бир-бирини тўлдирувчи характерда бўлиши кутилган самарани беради. Бунинг учун ҳозирга замон бошлангич таълим босқичи қулай имкониятларга эга.

4. Кўникма бериш. Унга кўра, 7-11 ёшли ўкувчиларнинг ахлоқий фазилатлари ривожлантирилиши ва улар оқилона муомалага кўниктирилиши керак. Бунинг учун бошлангич таълим жараёнида ўтказиладиган ҳар бир тадбир мақсадли ва тарбияга йўналтирилган бўлиши лозим. Бунинг учун бошлангич синф ўкувчилари муентазам равишда синф раҳбарлари ва ўқитувчилар томонидан ўрганилиб борилиши керак.

Бошлангич таълимни ташкил қилишда энг илғор ўқитиш методлари, воситалари ва технологияларига таяниш тавсия этилади. Бу борада бизнинг ёндашувимизга кўра, ҳар бир бошлангич синф ўқитувчиси ўзининг индивидуал ўқитиш услубига эга бўлиши мақсадга мувофиқ хисобланади.

Бугунги кунда таълимнинг ўзига хос методлари, воситалари ва технологиялари шакллантирилган. Шу сабабли бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари жаҳон таълим ва миллий педагогикамиз тажрибасидан ўтган воситаларга асосланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки таълим- авлодлар томонидан тўплантан билим ва миллий қадриятларни ёш авлодга узатиш жараёни бўлиб, бир неча вазифаларни бажаради. Шу жиҳатдан бошлангич таълим педагогик жараён сифатида қўйидаги вазифаларни бажаришини эслатиб ўтиш жоиз:

- 1) бошлангич таълим ўкувчиларни илм-фан ва маданият оламига олиб киравчи энг мақбул жараёнлардан биридир;
- 2) бошлангич таълим 7-11 ёшли шахсларни дастлабки босқичда ижтимоийлаштирувчи жараёндир.;
- 3) бошлангич таълим бошлангич синф ўкувчиларида умуминсоний ва маънавий кўникмаларни шакллантирувчи таълим босқичидир;
- 4) бошлангич таълим ўкувчиларни ижтимоий-маданий фаолиятга йўналтиради;
- 5) бошлангич таълим ижтимоий билимларни биринчи бор шахсга берувчи муҳим тизим хисобланади;
- 6) бошлангич таълим натижасида ўкувчилар кейинги таълимни олиш кўникмасига эга бўлади.

Бошлангич таълимни ташкил этишда ана шу омилларга эътибор бериш керак бўлади. Шу жиҳатдан олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари бошлангич таълимни ташкил этиш бўйича чукур назарий билим ва касбий кўникмаларни эгаллаши шарт.

Бошлангич таълимда тарбия. Ўзбекистон бошлангич таълим тизимида тарбия муҳим аҳамиятга эга. Ўзгача айтганда, бошлангич таълимда таълим ва тарбия жараёни бир-бираидан ажралмас категориялардир. Шу сабабли,

7-11 ёшли ўкувчиларни тарбиялашда қўйидаги асослар мажмуига таянилади:

- 1) тарбиянинг педагогик асослари;
- 2) тарбиянинг психологик асослари;

### 3) тарбиянинг социологик асослари.

Бошланғич таълимда тарбиянинг педагогик асосларини қуидагилар ташкил килади:

- ўқувчиларни интеллектуал түйгисини ривожлантириш ва уларни ақлий тарбиялаш;
- ўқувчиларни жисмоний ривожлантириш ва уларни жисмоний тарбиялаш;
- ўқувчиларни хис-түйгуларини ўстириш ва уларни эстетик тарбиялаш.

Бошланғич таълимда тарбиянинг психологияк асослари қуидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг рухий-маънавий идрокини ривожлантириш ва уларни маънавий тарбиялаш;
- ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш ва уларни сенсор тарбиясини амалга ошириш;
- ўқувчиларнинг хотирасини шакллантириш ва уларни коррекциялаб бориш.

Бошланғич таълимда тарбиянинг социологик асослари қуидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг фазилатларини шакллантириш ва уларни ахлоқий тарбиялаш;
- ўқувчиларни ижтимоийлаштириш ва уларни ижтимоий тарбиялаш;
- ўқувчиларни хаётга йўналтириш ва уларнинг мулоқот маданиятини шакллантириш.

Бошланғич таълимда тарбиянинг мазкур педагогик, психологик ва социологик асослари эътибор берилса, 7-11 ёшли шахсларни ақлий-ахлоқий, жисмоний, эстетик, маънавий, ижтимоий жиҳатдан тарбиялади, уларнинг шахсидаги иллатларни коррекциялади ва ёрдамга мухтож ўқувчилар учун сенсор тарбияни амалга оширади. Айни пайтда, унумаслик лозимки, бу ўринда педагогик тарбия, педагогик психология ва педагогик социология асосларига таянилади. Шу сабабли бугунги кунда мамлакатимизда педагогик психология ва педагогик социологиянинг имкониятларидан фойдаланиш кенгайиб бораётганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Бошланғич таълимда тарбияни жараён сифатида қабул килиш лозим. Бу жараёнга табиий муҳит, жамият олами, кадриятлар, оила каби тизимлар таъсир ўтказади. Шу сабабли, бошланғич синф ўқитувчиси бу таъсирларни йўналтирувчи ва тартибга солувчи вазифасини бажаради.

Педагогик олимларнинг фикрича, бошланғич таълимда тарбиявий омилнинг иккى кўриниши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

#### 1. Объектив тарбиявий омиллар:

- генетик ворислик ва инсоннинг соғлик даражаси;
- оиланинг ижтимоий ва маданий мансублиги;
- ўқувчининг ижтимоий таржима ҳоли;
- жамиятнинг маданий ва ижтимоий даражаси;
- мамлакатнинг эҳтиёжлари ва давр талаблари.

#### 2. Субъектив тарбиявий омиллар.

- психологик хусусиятлар, дунёкарашнинг ўзига хослиги, кадриятларнинг йўналтирувчанлиги, тарбияланувчининг ички қизиқишилари ва эҳтиёжлари;
- ўқувчилар муносабатларининг хоссалари;
- бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш жараёнини ташкил этиш хусусиятлари.

Бошланғич таълимда тарбия жараёнини ташкил этишида ана шу омиллар хисобга олинини тақозо этилади. Бошланғич синф ўқувчиларинг тарбияси тўғри олиб бориётганлиги куйидаги мезонлар асосида баҳолаб борилади:

- а) ўқувчиларда эзгулик хулқ-атвори шаклланаётганлиги;

б) ўкувчилар хатти-харакати ва муносабатларида ҳақиқаттүйлик пайдо бўлаётганлиги;

в) ўкувчиларда гўзалликка интилиш кўникмаси таркиб топаётганлиги.

Мазкур эзгулик, ҳақиқаттүйлик ва гўзаллик мезонлари бошлангич синф ўкувчилари тарбиясида муҳим педагогик категориялар ҳисобланади.

Бу ўринда бошлангич таълимда тарбиянинг қўйидаги мақбул методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ишонтириш;
- намуна кўрсатиш;
- маслаҳат бериш;
- йўналтириш;
- қўнкитириш;
- рағбатлантириш.

Эътибор берилса, бу методларда бола шахсини ҳурмат қилиш ва ҳар бир ўкувчига индивидуал ёндашиш муҳим устувордир. Шу жиҳатдан бошлангич таълимда ташкил этиладиган тарбия жараённида жазолаш методи кутилган самарани бермаслигини эслатиб ўтиш жоиз.

Бошлангич таълимда амалга ошириладиган тарбия жараёнини қўйидаги технологиялардан фойдаланиш тавсия этилади:

- мультимедиали технологиилар;
- компьютерли технологиилар;
- инновацион педагогик таълим технологиилар.

Мазкур технологиилар тезкорлиги, қизиқлиги ва жалб этиш хусусиятларга эгалит билан ажralиб туради. Шунингдек, бу технологиилар кутилмаган мураккаб тарбий шароитлар даврларида таълимнинг масофавий шаклидан фойдаланишда жуда қўй келади.

Умуман бугунги кунда бошлангич таълимда тарбия деганда қўйидагилар тушунилади, унга кўра, ўкувчиларга:

- ижтимоий тажрибалар ва маданий ютукларни узатиш;
- уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш;
- уларнинг фаолияти ва ҳаёт тарзини ташкил этиш;
- уларнинг тарбиячи билан муносабатларини йўлга қўйиш;
- мураккаб шароитларда уларга ёрдам кўрсатиш.



### **Бошлангич таълимда педагогик жараён.**

Шундай килиб, бошлангич таълимда педагогик жараён ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у “Умумий педагогика” фанининг таркиби сифатида идрок этилади. Бўлаjak бошлангич синф ўқитувчилари мазкур масалага эътибор беришлари керак.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 декабрь сони.

2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ти Конуни // Халқ сўзи” газетасининг 2020 йил 24 сентябрь сони.

3. Миронов В. Век образования. – М.: “Педагогика”. 1990.

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада бошлангич таълимда педагогик жараён ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўгрисида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается педагогический процесс в начальном образовании и его особенности.

SUMMARY

The article examines the pedagogical process in primary education and its features.

## БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ: МАЗМУН ВА МОХИЯТ

Жабборова О.М.

Тошкент вилояти ЧДПИ “Бошлангич таълим” кафедраси мудири

Сайдеганиева З.С.

Тошкент вилояти ЧДПИ 17/1-гуруҳ талабаси

**Таяинч сўзлар:** бошлангич, таълим, педагогика, тушунча, методология, замонавийлик, тенденция, билим, кўнкима, ёндашув, малака.

**Ключевые слова:** начальное, образование, педагогика, концепция, методология, современность, направление, знания, умение, подход, умение.

**Key words:** primary, education, pedagogy, concept, methodology, modernity, direction, knowledge, skill, approach, skill.

Ўзбекистон янги тарққиёти даврида илм-фан ва таълимни янгича ёндашувлар асосида ривожланириш вазифалари қўйилган. Шу маънода “Бошлангич таълим педагогикиаси”ни янгича идрок этиш ва унинг мазмун-мохиятини чукур тушуниб олиш тақозо этилмоқда.

“Бошлангич таълим педагогикиаси” тушунчаси. Ўзбекистонда барпо этилаётган Учинчи Ренессанс даврида бошлангич таълимнинг асосий вазифалари сифатида куйидагилар белгиланган:

- бошлангич синф ўқувчиларининг таҳлилий ва креатив фикрлаш кобилиятини ривожланириш;
- бошлангич таълимни илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш;
- бошлангич таълим самарадорлигига эришиш.

Мазкур вазифалар олий педагогик таълим жараёнида ўқитилаётган “Бошлангич таълим педагогикиаси, инновация ва интеграцияси” фанининг мазмунини белгилайди. Унга кўра, мазкур фаннинг мазмунни бошлангич таълим, тарбия ва уни ўқитиш асослари бўйича бўлажак ўқитувчиларга назарий билим, кўнкима хамда малака беришдан иборат. Бунда куйидагиларга эътибор бериш лозим:

- бошлангич таълим тушунчаси куйидагиларни қамраб олади;
- 1) инсон ва жамият қадрияларига асосан 7-11 ёшли ўқувчиларга билим бериш;
- 2) бошлангич синф ўқувчиларини ўқитиши ва тарбиялаш жараёни;
- 3) бошлангич таълимнинг самараасига эришиш;
- 4) бошлангич таълимни яхлит тизим сифатида қабул қилиш.
- бошлангич таълимда тарбия тушунчаси куйидагиларни ифодалайди;
- 1) бошлангич синф ўқувчиларига инсониятнинг тарбияга оид тажрибасини уза-